Тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 29 (9.526) 2001 йил 9 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН 7 МАРТ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. ЙИҒИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ КОЗИМ ТЎЛАГАНОВ ОЧДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИНИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ ЎҚИБ ЭШИТТИРДИ.**

● Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан эзгу тилаклар билдирилган самимий табриклар келиши давом этмоқда.

● Тошкентда пойтахт вилояти ва Украинанинг Харьков вилояти ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуман ҳамкор вилоят корхоналари имкониятлари ва салоҳиятининг Ўзбекистондаги тақдимоти вазифасини ўтади.

● Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесида ўтказилган семинар «Конституцияни қай тарзда ўрганамиз?» мавзуига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга оид Президент Фармойишидан келиб чиқадиган вазифалар таҳлил этилди.

● Бекободдаги «Ўзтемиркомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини қайта ишлашга тайёрлаш ва топширишни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Тошкентдаги Италия элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат рус академик драма театрида Италиянинг машҳур қўшиқчиси Фотима Шальдон ижросида «Аёл овози» деб номланган концерт бўлиб ўтди. **Эртага** худди шундай концерт Самарқандда ҳам ўтказилади.

● Тошкент агротижорат коллежида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, давлат ва жамоат ишларига хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш хусусида илмий анжуман ўтказилди.

### Жаҳонда

● 2000 йил 1-31 август кунлари Япониянинг Хиросима шаҳридаги Тинчлик мемориал музейида кўпгина хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари юборган Тинчлик номалари кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юборган Тинчлик номаси биринчилар қаторида намойиш этилган ушбу кўргазмага 10 мингдан ортиқ япониялик ва хорижий фуқаро ташриф буюрди. Хиросима шаҳри мэри Тадатоши Акиба кўрсатилган эътибор учун эътироф сифатида Президент Ислом Каримов номига миннатдорчилик мактуби йўллади.

● **Кеча** Россия Президенти В.Путин Интернет орқали ўзига хос мулоқот ўтказди. Унда Президент кўпчиликни қизиқтирган ўзининг оилавий ҳаёти, Чеченистондаги вазият, мамлакат армиясининг нуфузи, дунё хавфсизлиги билан боғлиқ саволларга жавоб берди.

● Украина Президенти Леонид Кучьма мамлакат энергетика вазири  Сергей Ермиловни ўз вазифасидан озод этиш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

● **Кеча** Украина бош вазири В.Юшченко у бошқараётган маҳкама аъзолари Президент Л.Кучманинг сешанба куни юксак лавозимдаги раҳбарлардан унинг тутган йўлини қўллаб-қувватлаш ёки аксинча бир ҳафта давомида истеъфога чиқиш ҳақида ариза бериш хусусидаги талабини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

● **Кеча** Арманистонда республика мустақилликка эришганидан бери биринчи марта Халқаро хотин-қизлар байрами расмий равишда нишонланди.

● **Кеча** Эрон мудофаа вазири Али Шамханий Тожикистонга икки кунлик ташриф билан келди. Ташриф дастуридан ҳудудий-сиёсий ва хавфсизлик, шунингдек мудофаа масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш кўзда тутилган.

● Италия Президенти шу йилнинг май ойида ўтадиган сайловларга умумий эркинлик бериш мақсадида парламентни тарқатиб юборди. **Бугун** Италия ҳукуматининг сайловлар кунини аниқ белгилаш бўйича йиғилиши бўлиб ўтади.

● Шу йилнинг 6 февралида ўтказилган сайловда Исроил Бош вазири лавозимини қўлга киритган Ариэль Шарон янги  коалицион ҳукумат таркибини тўлиқ тузиб бўлди. Ҳозирда Бош вазир қасамёд қабул қилиш маросимига тайёргарлик кўрмоқда.

● **Кеча** Нигериядаги мактаблардан бирининг ётоқхонасида содир бўлган ёнғин натижасида 23 ўқувчи ҳалок бўлди, 14 киши тан жароҳати олди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**





*Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида бунёд этилаётган уй-жойларда 3-конвейерли қурилиш бошқармаси қурувчилари ғайрат кўрсатишмоқди.*

*СУРАТЛАРДА: замонавий уйлардан бири ва бошқарма монтажчиси Ҳомид Тўлаганов.*

### ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ




**Мирობод туманининг «Қўйлиқ ота» маҳалласи аҳли ҳам Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик кўриб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқликда олиб боришмоқда.**

## Ўзаро ҳамжиҳатликда

Шу кунга қадар маҳаллада кексаю ёш иштирокида ҳашарлар ташкил этилиб, хонадонлар атрофи, кўчалар саранжом-саришта қилинди. Маҳалла ҳудудидаги мачит ва қабристон орасталаниб, атрофига турли дарахт кўчатлари экилди. Барча ахлатлар тўпланиб, олиб чиқиб ташланди.

— Маҳалламизда 158 та хонадон мавжуд, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Муҳайё Исмоилова. — Байрамолди ҳашарларида барча ҳамжиҳатликда иштирок этаётгани ўз самарасини бермоқда. Насиб этса, улуғ айёмгача маҳалламизда орасталашни давом эттириб, байрамни яхши кайфият ва покизалик билан нишонлаймиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

## ҚИСҚА сатрларда

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Европа Иттифоқи ташаббуси билан Ресурс марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу марказнинг асосий вазифаси юртимиз таълим тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Соғлиқни сақлаш вазирлиги Япониянинг халқаро ривожланиш агентлиги билан ҳамкорликда вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри шифохоналарининг ҳамширалари иштирокида «Ҳамшира» танловини ўтказди.

● **ЎЗБЕК** ипак уюшмаси томонидан ўтказилган экофорум «Аёл ва соғлом муҳит» деб номланди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги Ибн Сино маҳалласи фаоллари маҳалла ёшлари иштирокида давра суҳбати ўтказишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар «Саломатлик» марказида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташаббусида хайрия тадбири ўтказилди. Унда юртимиздаги болалар шифохоналари ва поликлиникаларига камқонлик дардига йўлиққан аёлларга малҳам бўлувчи катта миқдордаги дори-дармонлар топширилди.

● **КИНОЧИЛАР** уйида ўтказилган анжуманда ўзбек ҳужжатли киносининг ютуқлари ва муаммолари муҳокама этилди.




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган Тошкент шаҳри тўғрисидаги энг яхши қўшиқлар танловини ўтказишдан мақсад — мусиқий ва бадиий образларда мустақил Ўзбекистонни улуғлаш, Истиқлол йилларида Ўзбекистонда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида юз берган улуғвор ўзгаришларни мадҳ этиш, Шарқ дарвозаси бўлган Тошкентнинг тарихи ва бугунги кунини тараннум этиш, дўстлик, тинчлик шаҳри эканлигини гавдалантиришдан иборатдир. Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда ўтказилади. Танловда ҳам профессионал бастакорлар, санъаткорлар, шоирлар, ҳам ҳаваскор ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга фақат янги ёзилган қўшиқлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган асарлар савияси ва ижрочилар маҳоратини баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади.

Танловга тақдим этиладиган асарлар (клавир ва фонограммалар) 2001 йил 10 июнгача қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Тошкент, 700000, Ғуломов кўчаси, 69
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси
Тел/Факс: 133-08-67, тел.133-20-28

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:

| | |
|---|---|
| **Биринчи ўрин:** | **— 600 000 сўм** |
| **Иккинчи ўрин** | **— 450 000 сўм** |
| **Учинчи ўрин** | **— 300 000 сўм** |
| **Рағбатлантирувчи мукофот (иккита)** | **— 300 000 сўм** |

Бу мукофот миқдори қўшиқ бастакори, шеър муаллифи ва ижрочи хонандага тенг миқдорда бўлиб берилади.

Танловга тақдим этилган қўшиқларни саралаш ҳакамлар ҳайъати томонидан 2001 йил июнь ойи охирида ўтказилади.

Танлов ғолибларининг якунловчи концерти Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтказилади.

Танловда ғолиб чиққан қўшиқлар Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари асосий томошаларида ижро этиш учун тавсия этилади.

Танловда ғолиб чиққан қўшиқлар алоҳида китоб ҳолида нашр этилади.

**Ташкилий қўмита**

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## «Пахтакор»га бағишланди

**ЭРТАГА** мамлакатимизда футбол бўйича Ўзбекистон Х миллий чемпионати ўйинлари бошланади. Шу муносабат билан Республика Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Футбол федерацияси ва «Пахтакор» жамоасининг масъул ходимлари иштирокида «Пахтакор» жамоасининг янги асрнинг илк чемпионатига тайёргарлиги ва кейинги ўзгаришларига оид матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Анжуманда «Пахтакор» жамоасининг бош мураббийси Виктор Жалилов пахтакорчиларнинг мавсумга тайёргарлиги тўғрисида атрофлича тўхталди.

Иштирокчилар «Пахтакор» жамоасининг миллий чемпионатда биринчи ўрин соҳиби бўлишига катта умид билдиришди.

Биз ҳам севимли жамоамизга бахт ва омад ёр бўлишини тилаб, бундан кейин «Пахтакор» ўйингоҳи унинг мухлисларига тўлиб, улар ҳақида фақат илиқ гаплар эшитишни истаб қоламиз.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

**● Газетанинг еттинчи саҳифасида Ўзбекистон Х миллий чемпионати мавсуми очилишига бағишланган махсус саҳифа материаллари билан танишишингиз мумкин.**

### ТАДБИРЛАР

## «Аёл ва ҳуқуқ»

**Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Орзу» ҳиссадорлик жамиятида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Савол-жавоб тарзида ўтган ушбу давра суҳбатида хотин-қизлар асосан аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари тўғрисида, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам, ногиронлар нафақаларини расмийлаштириш, никоҳ ва оила, мулкчилик масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**


**Бугунги сонда:**

● Халқ ардоқлаган байрам

● Жавоҳирлар сандиғидан

● Футбол мавсуми эшик қоқмоқда

ТВ дастурлари



# НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...

УДУМЛАРИМИЗ

## Эзгу ният билан

◆ **ҚАДИМДА** шарқ мамлакатларида Наврўз куни бўйи етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашган. Булоқдан кўзаларда сув келтириб, кўза ичига узук ва бошқа тақинчоқларни ташлашган. Сўнгра лапарлар остида сувдан нишоналарни чиқариб олишган. Чиққан тақинчоқларига қараб қизлар ўз тақдирларини билишга ҳаракат қилишган.

* * *

◆ **НАВРЎЗ** кунлари боғдаги азим ўрик дарахтларига арқон солиб арғимчоқ ясалган. Қиз-жувонлар йиғилиб навбатма-навбат арғимчоқ учганлар. Чунки Наврўз куни арғимчоқ учган кишининг оғирлиги тўкилади, деб ирим қилинган. Аёллар арғимчоқни баландлатиб учишга ҳаракат қилганлар. Сабаби, халқимизда Наврўз куни арғимчоқ учаётганда дарахтнинг энг баланд шохидаги баргчалардан узиб олган қиз-жувонлар бахтли ҳисобланишган.

* * *

◆ **СУМАЛАК** пишириш вақтида фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилган. Улар келаётган янги йилда фарзандли бўлиш орзусида майсани зиракларини ёки қулоқларига тақиб олишган.

* * *

◆ **ЭГИЗАК** фарзандлар улғаяётган оилада яхши ният қилиб ҳар йили кўкламда сумалак пишириб қўни-қўшниларга тарқатилган. Чунки ҳафтада бир марта яхши ҳордиқ чиқарадиган, йилда эса бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас экан.

**ГУЛОРОМ тайёрлаган.**

МУЛОҲАЗА

## Толлар кўпайса...

**Ота-боболаримиз мевали дарахтлар қатори толни ҳам эъзозлаб келишган. Одамлар гавжум бўладиган, дам оладиган жойларга, анҳор, ариқ, ҳовуз бўйларига экиб, парвариш қилишган. Чунки тол қадимдан эл-юрт бойлиги, соғлиғи учун қимматли, бебаҳодир.**

Толнинг поя ва бағазларидан ясалган сўри ва эгма ишкомлар токлар учун камарбаста. Уларга таралган узум новдаларининг парвариши ва хомтоги қулай ва осон кечади. Кузда шиға-шиға ҳосиллар тўлишиб, олтиндек товланиб турган узумларни елкасида опичлаб турган ишкомларни камтарин ишчига ўхшатгим келади.

Тол бешик ва беланчак ясовчи ҳунармандлар учун ҳам кераклли хом ашёдир.

Толнинг бошқа дарахтларга қараганда кўпроқ кислород ишлаб чиқариши ва унинг шифобахшлиги табобат илмида аниқланган. Марҳум қори отам 1970 йилларда маҳалламиздаги масжидда имомлик қилганларида масжид атрофи, анҳор бўйларини толзор қилганлар.

Қариганларида нафаслари сиқа бошлаган онам отамларнинг тавсиялари билан боғимиз этагидаги қора тол тагида кўпроқ дам олиб шифо топганлар. Кейин билсам отам улуғ табиб Абу Али ибн Синонинг беморлар учун айтган «Тол соясида дам олинг, ухланг, шу тол дардингизга даво бўлади» деган фикридан хабардор эканлар.

Тол ҳақида ўйласам, ҳозирги Катта Қаъни маҳалламизнинг оромгоҳи, атрофи толлар билан ўралган чойхона ёдимга тушади. Отахонлар, ўтган-кетганлар нафақат чой ичишдан, толларнинг ёқимли ҳавосидан ҳам ҳузурланиб, енгил тортишарди. Кекса чойхоначи, иккинчи жаҳон урушининг фахрийси, раҳматли Тўхтабек Каримбеков толларга ҳавасманд эди. Бир тупи қуриса ўрнига бошқасини экиб кўкартирарди. Толларнинг эл соғлиғи учун фойдали эканини билиб, уни кўпайтирган отахонлар ҳақида кўп мисоллар айтиш мумкин.

Келажак, соғлом авлод учун мевали боғлар билан бирга саховати беқиёс толларни ҳам қолдирсак савобдан ҳоли бўлмасди.

**Меҳримиз эмиб кўпайса толлар**
**Соч-баргак тақиб, олқишлар баҳор.**
**Шу юрт боғида унинг ҳам танҳо**
**Ўзгача гашти, саховати бор.**

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## Гул мадҳи

- Гуллар табиатнинг кулиб турган чиройи.
- Гул — табиатнинг келинчаги.
- Гул — тун маликаси.
- Фарзанд — ҳаёт гули.
- Ер ўз табассумини кўз ёшлари билан гулларда сақлайди.
- Гул тикан заҳрига бардош бера олмаганида гул бўлмасди.
- Бевақт очилган гул – кўп ўтмай хазон бўлади.
- Гул ҳам севган тупроғида унса, камол топади.
- Гулни севган одам тиканизаҳрига ҳам чидаши керак.
- Асалари узилган гулдан бол йиғмайди.
- Хуш бўйи йўқ гулдан – япроқ яхши.
- Бир гулдан баҳраманд бўламан деб, юз тикан машаққатини тотиш керак.

**Тошкентдаги 24- мактабнинг биология ўқитувчиси Абдураҳим Расулов тўплаган.**

# Сўранг, жавоб берамиз

***Пенсия олаётган фуқаронинг пенсия тури ўзгарганда белгиланган янги пенсия қачондан бошлаб тайинланади?***

***З.Соипов.***

«Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси талабига биноан пенсия тури ўзгартирилганда бир пенсиядан бошқасига ўтказиш тўғрисида пенсионер ариза ва бошқа ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб янги пенсияни тўлаш амалга оширилади.

* * *

***Болаликдан ногирон фарзандим бор. Уни тарбиялашга кетган вақтим пенсияга чиқишимда ҳисобга олинадими?***

***Б.Турдиева.***

Болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлсалар, болани тарбиялаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса қонун билан белгиланган пенсия ёши 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

* * *

***Никоҳсиз бўлган ўзаро турмушдан фарзанд бўлса ва боланинг отаси вафот этса, унга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими?***

***А.Камолова.***

Бундай ҳолатда суд агар вафот этган шахсни боланинг отаси эканлигини белгиласа, қайд этилмаган никоҳдан туғилган болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланиши мумкин.

* * *

***Яқинда германиялик машҳур футболчи Лотар Маттеус ўз терма жамоаси сафларида 150 ўйинда майдонга тушган ҳолда жаҳон рекордини ўрнатганлигини эшитиб қолдим. Айтингчи, Ўзбекистон терма жамоаси сафларида қайси футболчи энг кўп тўп сурган?***

***Б.Икромов.***

1994 йили Осиё ўйинларининг ғолиби бўлган Андрей Фёдоров ва кўп йиллар «Пахтакор» жамоасида ўйнаган Николай Ширшовлар терма жамоамизнинг бу борадаги рекордчилари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири бош жамоамиз таркибида ўттиз еттитадан ўйин ўтказган.

* * *

***Балиқ овига жуда қизиқаман. Йилнинг қайси даврларида қандай сув ҳавзаларида балиқ тутиш мумкинлиги тўғрисида маълумот берсангиз.***

***А.Абдуллаев.***

Шуни айтиш керакки, балиқ уруғлайдиган вақтда унинг кўпайишини таъминлаш мақсадида Сирдарё ва Амударёда 31 майгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сув ҳавзаларида 10 июнгача, республикамиздаги бошқа барча ҳовуз ва дарёларда 16 апрелдан 31 майга қадар балиқ тутиш тақиқланади. Республикамизнинг бутун ҳудудида умумий фойдаланиладиган сув ҳавзаларида киши бошига беш килограммгача, жамиятларга қарашли ҳовузларда эса 10 килограммгача балиқ овлашга рухсат этилади.

***Жавоблар Республика ҳуқуқий-маърифий тарғибот марказининг бўлим бошлиғи Меҳри Боллиева ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.***

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Ассалом, футбол баҳори!

## УМИДЛАРГА БОЙ МАВСУМ

**ЭРТАГА**

**ишқибозларимиз умид ва ҳаяжонлар билан орзиқиб кутаётган янги футбол мавсуми ҳам олий лига жамоалари ўртасида ўйинлар билан бошланади. Энг муҳими, ишқибозлар ҳам, мутахассислар ҳам янги асрнинг илк чемпионати ва ўнинчи мавсумдан кўп нарсаларни кутишмоқда.**

Авваламбор шуни айтиш керакки, футбол тарихида илк бор Осиё қитъасида — Япония ва Корея Республикасида 2002 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига саралаш ўйинларининг дастлабки босқичини миллий терма жамоамиз ўйинчилари бошлашига ҳам бир ой қолди. Гуруҳдаги баҳсларнинг шаҳримизда ўтказилиши албатта бош жамоамиз футболчиларининг имкониятларини янада оширишига шубҳа йўқ.

Хорижлик тажрибали мутахассис Владимир Сальков етакчилигида саралаш мусобақаларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз аъзолари Болгарияда бўлиб ўтган «Альбена мобилтел-2001» халқаро турнирида бирмунча муваффақиятсиз қатнашган эдилар. Бироқ кўпгина умидли ёшлар таркибига киритилган миллий термамиз охирги назорат-ўртоқлик учрашувларида Озарбайжон терма жамоасини 2:1, Беларусь футболчиларини эса 2:0 ҳисобида енгганликлари футболчиларимизнинг ўйинлари тобора очилиб, уларнинг маҳорат ва тажрибалари ошиб бораётганидан далолат беради. Бизнингча, миллий терма жамоамизнинг саралаш турнирининг биринчи босқичини ўз гуруҳида ғалаба билан якунлаши учун барча шарт-шароитлар етарли.

Олий лига жамоалари ҳам мавсумга ҳар доимгидек пухта тайёргарлик кўришди. Ўтган йилги чемпион — Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси таркибини кўпгина етакчи футболчилар тарк этди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса ҳар доимгидек чемпионлик учун бош даъвогарлардан ҳисобланишига шубҳа йўқ. Чемпионликка яна бир даъвогар — пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси ҳақида алоҳида сўз юритилаётганлиги сабабли биз Тошкентнинг яна икки жамоасининг мавсумга тайёргарлиги тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўтган йилги мавсумни ўнинчи ўринда якунлаган «Трактор» жамоасининг янада юқорироқ ўринларни эгаллаши учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Энди олий лиганинг янги жамоаси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг «Академия» жамоаси билан батафсилроқ таништириб ўтишга ҳаракат қиляпмиз.

Ўтган мавсумдаги сермаҳсул ва умидбахш ўйинлари орқали ҳақли равишда олий лига жамоалари сафларига қўшилган «Академия» мавсумга бош мураббий Владимир Жуковский етакчилигида тайёргарлик кўрди.

Бу йили ўйинларга адолатли ва холисона ҳакамликни ташкил этиш юзасидан шу соҳага киритилган ўзгаришлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради, деган умиддамиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



## «ПАХТАКОР» ЮҚОРИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

**Кўп сонли ишқибозларнинг илтимосларини инобатга олган ҳолда республикамиздаги энг севимли ва бой анъаналарга эга команда — «Пахтакор»нинг янги мавсумга тайёргарлиги билан яқиндан танишиш мақсадида Қибрайдаги ўқув-машқ базасига бордик.**

**Бу ерда «Пахтакор» ўйинчиларини машғулот пайтида учратдик. Янги бош мураббий Виктор Жалилов, жамоа бошлиғи Асқар Толибжоновлар ҳар бир ўйинчининг майдондаги хатти-ҳаракатларини синчиклаб кузатишарди. Биз жамоа бошлиғи Асқар Толибжоновдан команда таркибидаги ўзгаришлар, унинг янги мавсумдаги режалари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

— Маълумки, охирги ўқув-машқ йиғинларимиз Бирлашган Араб Амирликларида ўтиб, ўйинчиларнинг жисмоний ҳолатини кучайтириш, ўртоқлик учрашувларида гуруҳ бўлиб ва жамоавий тарздаги ҳаракатларни такомиллаштириш ва янги таклиф этилган футболчиларнинг тайёргарлигига ўйинлар давомида баҳо бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик.

Натижалар эса ёмон бўлмади — 11 кун давомида тўртта ўртоқлик учрашувини ўтказдик. Энг муҳими, ўйинчиларимиз Республика футбол федерациясининг мутахассислари томонидан қабул қилинган тест синовларини республика бўйича энг яхши натижалардан бирига эга бўлган ҳолда топширишди.

Энди ўзгаришлар хусусида тўхталадиган бўлсак, жамоа билан шартнома муддати тугаган ва янги мураббийларнинг таклифига кўра клуб раҳбарияти томонидан бир қатор ўйинчиларга бошқа клубларга ўтишга рухсат берилди. Нуъмон Нурматов, Афзал Азизов, Мурод Алиев, Азамат Абдураимов, Руслан Аҳмедхонов, Дилмурод Назаровлар шулар жумласидандир. Жамоамизга узоқ вақт содиқ хизмат қилган ушбу ўйинчиларга жамоа номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Бу йил жамоамизга «Навбаҳор»дан О. Беляков, Б. Сейткамолов, Ш. Раҳмонқулов, А. Солиев, Л. Кошелевларни, «Дўстлик»дан Б. Ашурматов, А. Власичев, М. Қурбонов, В. Пономарев, А. Ждановларни қабул қилдик. Шунингдек, Ивано-Франковскнинг «Украина» жамоасидан К. Сосенко ва Новороссийскнинг «Балтика» командасидан таклиф этилган С. Майбородалар ҳам жамоамиз таркибига қўшилишди.

Маълумки, бу йилдан бош мураббий сифатида «Пахтакор»ни узоқ йиллар «Навбаҳор» (Наманган) жамоасида фаолият кўрсатган Виктор Жалилов бошқармоқда. Унинг ёрдамчиси Амет Мемет ва дарвозабонлар ҳамда ўйинчиларнинг жисмоний тайёргарликлари билан шуғулланувчи мураббий Александр Лукьяновларни ҳам Намангандан таклиф этдик. Мураббий ва мураббий-селекционер вазифаларини эса собиқ пахтакорчилар — Геннадий Денисов ва Константин Новиковлар бажаришади.

Пахтакорчилар олдида ҳар доим катта вазифалар туради. Бу йилги чемпионат ҳам бундан мустасно эмас. Бинобарин, янги асрнинг илк чемпионатида ишқибозларни қувонтириб чиройли, мазмунли ўйин кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Кубоги ва чемпионликни қўлга киритиш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. «Пахтакор» ишқибозлари клубининг яна фаолият бошлаши ҳам ўйлайманки, ишқибозларимиз учун айни муддао бўлди.

**Дилмурод ИСАЕВ**

## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН Х МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАҚВИМИ

**ОЛИЙ ЛИГА**

**БИРИНЧИ ДАВРА**

**1-тур**

**10 март (шанба)**

1. «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «СУРХОН» (Термиз)
2. «МЕТАЛЛУРГ» (Бекобод) — «НАСАФ» (Қарши)
3. «ДЎСТЛИК» (Тошкент вилояти) — «БУХОРО» (Бухоро)
4. «КИМЁГАР» (Чирчиқ) — «ҚИЗИЛҚУМ» (Зарафшон)
5. «ЗАРАФШОН» (Навоий) — «НЕФТЧИ» (Фарғона)
6. «ТУРОН» (Нукус) — «АНДИЖОН» (Андижон)
7. «СЕМУРҒ» (Ангрен) — «НАВБАҲОР» (Наманган)

**11 март (якшанба)**

8. «ТРАКТОР» (Тошкент) — «САМАРҚАНД-ДИНАМО» (Самарқанд)
9. «АКАДЕМИЯ» (Тошкент) — «СЎҒДИЁНА» (Жиззах)

**2-тур**

**13 март (сешанба)**

10. «ПАХТАКОР» — «НАСАФ»
11. «МЕТАЛЛУРГ» — «СУРХОН»
12. «ДЎСТЛИК» — «ҚИЗИЛҚУМ»
13. «КИМЁГАР» — «БУХОРО»
14. «ЗАРАФШОН» — «АНДИЖОН»
15. «ТУРОН» — «НЕФТЧИ»

**14 март (чоршанба)**

16. «ТРАКТОР» — «СЎҒДИЁНА»
17. «АКАДЕМИЯ» — «САМАРҚАНД-ДИНАМО»

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ёшлигида ким илм нурларини терса, кексайганда яхшилик уруғларини сепади.

● Бадмаст улфат — даврага кулфат.

Ҳикмат:

Узоқ умр кечирган бир кексадан сўрадилар:

— Ҳаётда нима орттирган яхши?

Кекса жавоб берибди:

— Дунёда икки нарсанинг заволи бўлмайди: биринчиси— эзгу ният, иккинчиси — яхшилик. Эзгу ният орзу, бахт-саодатга йўл очади, яхшилик эса парвариш қилинган боғдек албатта ўз ҳосилини беради.

● Қўлингдан келса душманингга ҳам яхшилик қил. Зора у дўстга айланиб қолса.

● Беморлар табибдан нажот топганидек инсон боласи меҳрдан камол топади.

Ҳикмат:

Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон кишилардан кутинглар. Шунда сиз улардан умид қилган марҳаматга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм одамдан зинҳор яхшилик кутманг. Олло Таоло яхшиликни яратганда унинг ўз ақлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса албатта мақсадига эришади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қуйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб, ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказади. Бу дунёдаги яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургай.

Байт:

**Яхшилар кетидан агар чопарсан,**
**Истагинг, бахтингни шундан топарсан.**

● Ғаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам тортиб олади.

● Чексиз алам-ситамлар ҳамиша ғаразгўйлик меваси.

● Йўқ нарсага қайғурмайдиган эмас, аксинча борига қувонадиган одам донодир.

● Тежамкор одам ҳаммадан бой, қизғанчиқ эса — ҳаммадан камбағал.

● Тежамкорлик — фаровонликнинг муҳим манбаии.

● Тежамкорлик доноликнинг қизи, қаноатнинг синглиси ва эркинликнинг онаси.

**Байт:**

**Сахий дема саховатига**
**Бирор талаб қўйса гар одам.**
**Сахийликмас, бу савдогарлик,**
**Бунда йўқдур шараф ва карам.**

● Кибир ва ғурурдан узоқ бўл. Кибир кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади.

● Донолар айтади:

— Тўрт нарса тўрт нохушликни келтириб чиқаради: худбинлик — расволикни, серғазаблик — пушаймонликни, такаббурлик — душманликни, ношукрлик — хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Худбинлик инсонни заволга, камтарлик эса камолга олиб келади. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Камтарлик эса эл орасида шараф келтиради. Эй азиз, агар инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса, ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар улуғликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут.

● Инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлгингки, булар — худбинлик аломатларидир.

● Ҳикмат:

Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама, эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик ҳислати билан лиммо-лимдир. Зеро, улуғлар «Ҳар кечани қадр бил, ҳар ким кўрсанг Хизр бил», деб бежиз айтмаганлар.

Байт:

**Тулкидек айёрлик инсонга ётдир,**
**Майда чақа бўлиш уят, исноддир.**

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.**





*Баҳор келди, пешвоз чиқайлик.*

## БУ АЖИБ ДУНЁ

### «Сирли» олам

Қадимдан одамлар сонларнинг «сирли» хусусиятлари борлигига ишонадилар. Мунажжимлар эса инсоннинг туғилган йили, ойи, кунига қараб тақдирини айтиб берадилар, ҳатто исмларнинг сонини ҳам аниқлаб инсон феълатворини белгилайдилар.

Винконсин штатининг Белойт шифохонасида туғилган гўдак барчани ҳайратга солди. Ставен Уэдл деб ном қўйилган бу гўдак шу йил, яъни 1999 йил 9 ой (сентябрь)нинг 9 кунида эрталаб соат 9.00да дунёга келди. Бундай тасодифдан оғизлари очилган шифокорлар ишни тугал қилиш ниятида боланинг онаси Мэри Уэдл билан 99- ёхуд 999- хонага жойлаштирмоқчи бўлдилар. Афсуски, бу палаталар банд экан. Она-болага фақат 2115 хонадан жой топилди. Шуниси қизиқарлики, агар хона рақамлари бир-бирига қўшилса, яна 9 сони ҳосил бўлар экан.

Мутахассислар бу ҳодисани тасодифга эмас, балки ғайритабиий кучлар ва илоҳиётга боғлашяпти. Гўдак Ердан ташқаридаги кучлар томонидан махсус «шифр»ланган деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Ана шундан кейин ҳам сонлар «сир»ига ишонмай кўринг-чи!

### Бадиий фильмнинг шуҳрати

Икки ойдан бери Хитой кинотеатрларида намойиш этилаётган «Яшамоқ ёки ўлмоқ» бадиий фильми томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Фильмга порахўрликка қарши кураш мавзу қилиб олинган. Бу асар Голливуднинг энг олатасир жангари фильмларини ҳам ортда қолдириб кетди. Ундан тушаётган маблағни мамлакатда намойиш этилаётган бошқа картиналарникига ҳечам тенглаштириб бўлмайди. Фақат биринчи ҳафтанинг ўзида 25 миллион юанга (3 миллион доллар) патта сотилгани шундан далолат беради. Картинада XXРдаги шаҳарлардан бирининг ҳокими — фильм қаҳрамони Ли Гаочэн ҳокимиятни олди-соттига айлантириб олган маҳаллий мафия билан шафқатсиз жангга киришади... Охир-оқибат эътиқодига садоқатли қаҳрамон ғалаба қилади, ёвуз кучлар эса жазосини олади.

## САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

# Жисмоний соғломмисиз?

Қуйида келтирилган тест сўровларига берилган жавобларнинг ўзингизга маъқул бўлганининг тагига чизинг.

**1. Ўзингизни қай даражада фаол деб ҳисоблайсиз? Жисмоний машқлар билан қанчалик кўп шуғулланасиз?**

а) ҳафтасига 4 марта

б) ҳафтасига 2-3 марта

в) ҳафтасига 1 марта.

г) ҳафтасига 1 мартадан ҳам кам.

**2. Кун давомида қанча масофага пиёда юрасиз?**

а) 4 километрдан ошиқроқ

б) 4 километрга яқин

в) бир ярим километрдан камроқ

г) 700 метрдан камроқ.

**3. Ишга ёки дўконга отланар экансиз сиз:**

а) одатда пиёда йўл оласиз ёки велосипедда борасиз

б) йўлнинг бир қисмини пиёда ёки велосипедда босиб ўтасиз

в) баъзан пиёда ёки велосипедда борасиз

г) ҳамиша ишга жамоат транспортида ёки автомобилда борасиз.

**4. Агар юқори чиқишда лифтни ёки зинапояни танлаш керак бўлса — сиз:**

а) ҳамиша зинапоядан чиқасиз

б) қўлингизда оғир юк бўлмаган ҳамма ҳолларда зинапоядан чиқасиз

в) баъзан лифтдан фойдаланасиз

г) ҳамиша лифтдан фойдаланасиз.

**5. Дам олиш кунлари сиз:**

а) бир неча соатдан уй ишлари ёки боғдаги ишларни бажаришга сарфлайсиз

б) одатда бутун кунни ҳаракатда ўтказасиз-у шу кун давомида ҳеч қандай жисмоний ишни бажармайсиз

в) бир нечта қисқа сайру саёҳатни бажарасиз

г) шанба ва якшанба кунларининг кўп қисмини китоб ўқиш ёки телевизор томоша қилиш билан ўтказасиз.

**Тестни ечиш калити:** «а» — 4 балл, «б» — 3 балл, «в» — 2 балл, «г» — 1 балл.

**Натижа: 18 балл ва ундан юқори.** Сиз жуда фаолсиз ва ҳақиқатан соғлом экансиз.

**12-18 балл.** Сиз етарли даражада фаол ҳаракатда бўласиз ва жисмоний бардам бўлиш масаласига оқилона қарайсиз.

**8-12 балл.** Жисмоний машқлар билан кўпроқ шуғулланганингиз маъқул.

**8 балл ва ундан кам.** Сиз танбал ва сусткаш одам экансиз, жисмоний машқлар сиз учун жуда зарур.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# Йил муаммоси

Компьютер тизимларида юзага келиши мумкин бўлган «2000 йил муаммоси» туфайли АҚШ консулхоналари янги йилдан бошлаб виза расмийлаштиришни тўхтатиб туради. Буни Давлат департаменти вакили Кевин Хергерт маълум қилди. Унинг айтишича, ўша кунлари мамлакатнинг хориждаги барча элчихоналари одатдаги тартибда ишлайверади. Айрим давлатлардаги ваколатхоналар ходимларига эса байрам арафасида хорижга (учинчи бир давлатга) чиқишга рухсат ҳам берилади. Департамент улар яшаётган жойларда компьютер тизими ишдан чиққудек бўлса, сув, электр энергияси узатиш тўхтаб қолишидан, алоқа тармоқлари издан чиқишидан хавотирда.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма

Жавоблар «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Пойтахтимиздаги маъдан сувли шифохона. 2. Ғалла экини ҳосили. 3. Дуккакли экин. 4. Эрксевар халқларнинг азалий орзуси. 5. Энг сайроқи парранда. 6. Ижодкор. 7. Ўзбек халқ мақоми. 8. Самарқанднинг Регистон майдонидаги XVII аср ўрталарида бунёд этилган меъморлик обидаси. 9. Шифобахш баҳор кўкати. 10. Мамлакатимизда етиштирилаётган буғдой нави. 11. Қирғизистондаги шифобахш кўл. 12. Заргарликда ишлатиладиган рангдор маъдан. 13. Ер юзасидан қирилиб битган судралиб юрувчи жониворлар туркуми. 14. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. 15. Бахту саодат асоси. 16. Сутка қисми. 17. Илк ҳосил. 18. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган шаҳар. 19. Азиз неъмат. 20. Инерт газ. 21. Уйғуннинг «Парвона» драмаси қаҳрамони. 22. Ўзбек халқ рақс куйи. 23. Олма нави. 24. Ўзбек саркардаси, генерал-лейтенант, фашизмга қарши уруш қатнашчиси. 25. Она юрт, диёр. 26. Миллий, тансиқ таом. 27. Юксак маҳорат билан бежирим бажарилган нарса. 28. Хушбўй ошкўк ўсимлик.



**Муаммонома**

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкични ҳал этинг.

1. Жўхори унидан ёпилган нон — 9, 2, 3, 2, 5, 1.

2. Масофа ўлови бирлиги — 8, 10, 11, 5.

3. Баланд, юқори сўзи маънодоши — 4, 6, 7, 1, 6.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очкич жавоблари асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Улардан ўзбек халқ мақолларини билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

### ГАЗЕТАНИНГ 2 МАРТ СОНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1.Камтарлик. 2.Камалак. 3.Каучук. 4.Курмак. 5.Кўрак. 6.Кепак. 7.Коряк. 8. Курск. 9.Кўрик. 10.Капалак. 11.Кўк. 12.Кўрк. 13.Кечик. 14.Кийик. 15.Кубок. 16.Кичик. 17.Коваток. 18.Кашак. 19.Курак. 20.Катак. 21.Кўзойнак. 22.Квебек. 23.Кўпик. 24.Кларк. 25.Кўшк.

**Муаммонома**

**Очкич сўзлар:** 1.Кураш. 2.Адлия. 3.Бах. 4.Кема.

**Ҳикмат:** Яхши иш баракали умр демакдир.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2207. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6